



## ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН МАМЛАКАТ ЁШЛАРИНИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРМАЙДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 июль куни ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шaroитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Қонунчилик палатаси Спикери, сиёсий партиялар раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жаҳқорги Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ҳар бир ёш ғамиятда ўз ўрнини топиши учун муносиб шaroит яратиш кейинги йилларда амалга оширилаётган ишловларнинг устувор йўналишларидан биридир. Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати негизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ёшлар билан ишлашда янги тизим ва ёндашувлар амалиётга жорий этилмоқда. Мамлакатимизда 30 июнь Ёшлар куни сифатида биринчи марта кенг нишонланди.

Аммо ёшлар билан ишлашда ҳамон камчиликлар мавжуд. Жумладан, катта мақсадлар билан тузилган Ёшлар иттифоқи ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлашга, уларнинг муаммоларини ҳал этишга етарлилик эътибор бермапти. Ташкилот ўтказётган айрим тадбирлар дабдабаозлик, ўзини «кўз-кўз» қилишга ўхшаб қолапти. Жойлардаги 4 сектор раҳбарларининг аксарияти ҳали ёшлар масаласи билан фаол шуғулланмапти. Ички ишлар идоралари, маҳалла кўмиталари, бошқа жамоатчилик ташкилотлари ва таълим муассасаларининг бу борадаги ишлари қониқарсиз. Туман ва шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-таъминотий ишлар бўйича ўринбосарлари, туман ички ишлар бўлими бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари жонбозлик кўрсатаётган, деб бўлмайди. Аксинча, бу масъул лавозимлар айрим ҳолларда вакант бўлиб қолмоқда.

Бунинг оқибатида ёшлар жиноятга қўл уришининг олди олинмапти. Жорий йилнинг ўтган даврида содир этилган 17,5 минг жиноятнинг қариб 31 фоизи ёшлар ҳисобига тўғри келиши бунинг тасдиғидир. Мамлакат бўйича жиноят содир этган 22 минг шахснинг 11 минг нафарини ёшлар ташкил этиб, бу кўрсаткич Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, айниқса, юқориликча қолмоқда.

Қашқадарё вилоятида жиноят содир этган ёшларнинг 70 фоизини ўқимайдиган ва ишламайдиганлар ташкил этган. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида 57, Сурхондарё вилоятида 43, Жиззах вилоятида 42 фоизга тенг.

Афсуски, нафақат уюшмаган ёшлар, балки коллеж ва мактаб ўқувчилари орасида ҳам жиноятларни сезиларли даражада қамайтириш таъминланмапти. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам 371 ўқувчи жиноят содир этган. Коллеж ўқувчилари жиноятлари сони Сирдарё, Жиззах, Наманган ва Самарқанд вилоятларида

кекин ошган. Мактаб ўқувчилари жинояти асосан Жиззах, Навоий, Бухоро, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида тўғри келади.

Хоразм, Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида воғя етмаганлар томонидан қотиллик жиноятлари содир этилгани янада аянчлидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрида бошқа вилоятлардан келиб, қаровсиз ва назоратсиз юрган 1 минг 700 га яқин воғя етмаганлар аниқланган, уларнинг 500 нафари мактаб ва 670 нафари коллеж ўқувчиларидир.

Шу муносабат билан Ёшлар иттифоқи, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарларига ёшлар билан ишлашнинг таъминлаштириш, қаровсизлик ва назоратсизлигининг олдини олиш, улар ўртасида жиноятларни кескин қисқартиришга қаратилган аниқ тақдирлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Айни пайтда ички ишлар идораларида профилактика ҳисобида турувчи воғя етмаганлар учун ташкил этилаётган «Тарбия-спорт оромгоҳлари» ишини тубдан қайта қўриб чиқиш ва натижадорлигини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ёшлар ўртасидаги муаммолар, жумладан, жиноятчиликнинг илдири ақсар ҳолларда ишсизликка бориб тақалади. Жойларда ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида жиддий муаммолар мавжуд. 1 минг 700 дан зиёд меҳнат ярмаркаси ўтказилганига қарамай, уларда иштирок этган ёшларнинг атиги 5 фоизгина ишга жойлаштирилгани, сўнгги бир йилда 509 минг нафар ёшлар узоқ муддатга чет элларга чиқиб кетгани ишга масъулиятсиз ёндашувдан далолат беради.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Айни вақтда ёшларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун шaroит яратиш, уларни меҳнат ҳақида талаб юқори бўлган мутахассислик ва бизнес юритиш қўникмаларига ўқитиш бўйича Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ тумани ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида янги тизим синовдан ўтказилмоқда. Бунинг учун мутасадди идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил қилинган. 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўзида акс эттирган туман паспортлари ишлаб чиқилди.

Қўйи Чирчиқ тумани мисолида оладиган бўлсак, бу ерда ёшларнинг ҳисоботларда кўрсатилганидек 2,5 мингга эмас, балки 6,3 мингдан зиёди ишсиз экани аниқланган. Туман ёшларини қийнаб келаётган муаммоларнинг аксарияти

жойида ҳал этилган. Ижтимоий-иқтисодий вазият ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигидан келиб чиққан ҳолда, тумандаги 37 та маҳалланинг 13 таси «оғир», 18 таси «қониқарсиз» ва 6 таси «қониқарли» тоифага ажратилиб, уларни босқичма-босқич «яқши» тоифасига ўтказиш бўйича манзилли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, «Ёшлар меҳнат гузарлари» ташкил этиш учун бино ва ер майдонлари ажратилди, бўш иш ўринлари ярмаркаси ва бошқа тадбирлар натижасида 1 минг 200 дан зиёд ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди, тадбиркорлик фаолияти учун ёшларга 2,3 миллиард сўм кредит ажратилди.

Ушбу тажриба асосида Ёшлар кўни арафасида «Ёшлар — келажакимиз» Давлат дастури тасдиқланди ва уни барча туман ва шаҳарларда амалга ошириш бошланди. Дастур ижроси учун Ёшлар иттифоқи ҳузурида «Ёшлар — келажакимиз» жағмармаси ҳамда унинг туман ва шаҳар филиаллари ташкил этилди. Бу тузилма маблагларидан ёшларнинг бизнес лойиҳалари учун йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит берилди. Дастурда ҳар бир туманда ажратиладиган кредит ҳажми ва уни олувчилар сони, кредит бериладиган фаолият йўналишлари, бунинг натижасида яратилиши зарур бўлган иш ўринлари миқдори аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, ҳар бир фермерга биттадан банд бўлмаган ёшни бириктириш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари муваффақиятга эришган ёш тадбиркорлар орасидан 2 ҳафта муддатда Жағмарманин туман ва шаҳар филиаллари раҳбарларини тайинлаш, Инвестиция ва Ижтимоий масалалар комплексларининг республика ва ҳудудий органлари ҳамда тижорат банклари ходимларининг 30 фоизини лавозими ва иш ҳақини сақлаган ҳолда, янги тузилмага, унинг туман ва шаҳар филиалларига бириктириш лозимлигини таъкидлади.

Дастур ижросини самарали мувофиқлаштириб бориш учун Бош вазирга Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича республика комиссияси аъзоларини ҳар бир ҳудудга шахсан масъул этиб бириктириш ҳамда улар бошчилигида давлат идоралари, жамоат ташкилотлари раҳбар ходимлари ва вилоят прокурорларидан иборат таркибда ишчи гуруҳлар ташкил этиш вазифаси топширилди.

Ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳар ҳафта камидан икки кун уюшмаган, ҳеч қаерда ишламайдиган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганиши, энг аввало, бандлигини таъминлаш чораларини қўриши лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларни турли оқимлар ва ёт гоғлар таъсиридан асраш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун ёшлар билан маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни янада жонлантириш, уларни музей, театр ва бошқа маданият-маънавий масканлар, спорт мусобақалари, илм-фан, спорт ва амалий

санъат тўғрақларига фаол жалб этиш орқали бўш вақтини мазмунли ўтказишини ташкил этиш зарур.

Фарзанд тарбияси ва юриш-туришидан огоҳ бўлмасак, уларни илму-хунарга ўргатмасак, кўзи меҳнатда қотмаса, муносиб иш топиб бермасак, уларни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш қийин бўлади, деди Президентимиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ёшлар иттифоқи, Ёшлар Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш ва ёт гоғлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган таъсирчан, амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда ушбу долзарб ишга сенаторлар, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатларини фаол жалб этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Зотан, халқ вакиллари сифатида депутатлар корпуси ёшлар келажак учун ҳаммадан ҳам кўпроқ жон куйдириши лозим. Улар жойларда сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш, амалий учрашув ва тадбирлар ташкил мазкур Дастур ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши, ҳудудларда фаолият олиб борадиган ишчи гуруҳларга амалий ёрдам кўрсатиши зарур.

Воғя етмаган қизлар ўртасида эрта турмуш ва туғруқлар сони қўпайгани билан боғлиқ муаммолар ҳам муҳокама қилинди. Афсуски, эрта турмуш қуриш ва ажралиш муаммоси бўйича жойларда факатгина ота-оналарни айбдор қилиш билан кечкини ҳоллари қузатилмоқда. Аслида бўлар иш бўлганидан кейин эмас, балки салбий ҳолатларни юзага келтириш учун олдиндан манзилли ишлаш тизимини жорий этиш керак.

Шу муносабат билан Хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирлиқларига бу йўналишдаги ишларни танқидий қайта қўриб чиқиш ва таъсирчан чора-тадбирларни белгилаш вазифаси топширилди.

Видеоселекторда мутасадди ва жойлардаги раҳбарлар ҳам бўлгани боис айни кунлардаги яна бир долзарб масала — гўза парварлиги билан боғлиқ чора-тадбирларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Бу йил об-ҳавонинг қуруқ ва салқин келиши сабабли гўза ривож 10-15 кунга, баъзи жойларда 20-25 кунга кечиккани қайд этилди. Гўза парварлигидаги қоқоқликни бартараф этиш, кафолатланган ҳосил яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда 5 июлдан 5 сентябрга қадар «Ҳосилга-ҳосил қўлиш долзарб икки ойлиги» эълон қилинди. Бу борада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар белгилаб олинди.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг тақлифига биноан 2018 йил 5-6 июль кунлари Остона шаҳрининг 20 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этади.

Давлатимиз раҳбарининг Қозоғистонга ташрифи доирасида икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Ў.А.

## ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДАГИ МАВЗУ

## «SPARK» 65 МИЛЛИОН СЎМ ТУРАДИ,

унинг ойналарини қорайтириш  
учун 1 йилга 16,5 миллион сўм  
тўланади. Бу нарх кўпчиликка  
огирлик қилмайдими?..

Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг муҳокамаси порталига транспорт воситаларининг ойналарини қорайтириш (тонировка) тартиби тўғрисидаги ҳуқуқат қарори лойиҳаси (жорий йил 28 июнь куни) жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди. Бундан қўзланган мақсад транспорт воситалари ҳайдовчилари, жумладан, мамлакатимизга келувчи сайёҳлар учун қўлай шaroит яратиш, бу борада тегишли тартиб жорий қилишдан иборат, деб қўрсатилган. Лойиҳа Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган.

Қарор лойиҳасига кўра, енгил автомобилларнинг орқа ва орқа ён ойналарини қорайтириш тартиби белгиланиши назарда тутилган. Тонировка Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги тузилмалари томонидан 1 йил муддатга бериладиган рухсатнома асосида, тасдиқланган давлат стандартига мувофиқ ИИБ қошидаги Инновацион лойиҳалар ва аҳолига хизмат кўрсатиш маркази давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Ойналари қорайтирилган хорижий давлатлар транспорт воситаларида Ўзбекистон ҳудудига кириш ва транзит ўтиш ҳолатларида 15 доллар миқдорида йўлим ундирилиши қайд этилмоқда.

Ушбу масала юртдошларимизда катта қизиқиш уйғотди, ҳужжат лойиҳаси бўйича порталда қўллаб-мулоҳазалар билдирилляпти. Муносабат билдирганларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шaroитида, айниқса, жазирама ёз кунлари автомашинада юриш анча қийинчиликлар туғдираётганини таъкидлаб, транспорт воситаларининг ойналарини қорайтиришга рухсат берилаётганини фаол қўллаб-қувватламоқда.

Шу билан бирга, қарор лойиҳасининг айрим бандлари бўйича фикр ва тақлифлар ҳам билдирилляпти. Мунозараларнинг асосий мавзуси тонировкага рухсат бериш ва уни ўрнатиш учун тўлов миқдори билан боғлиқ.

Қарор лойиҳасига мувофиқ, бу сумма жисмоний шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 90, юридик шахслар учун 120, хорижий давлатларнинг юридик шахслари учун эса 140 баробари миқдорида белгиланяпти.

Аксариат фикр билдирувчилар бу нархларнинг жуда юқори эканини айтишмоқда.

Хусусан, Очилов Сардор мамлакатимизда қўшши кунлар 7-8 ой давом этиши, ёзи 35-40 даража иссиқда автомобиль ичида ўтириш азоб бўлиб қолишини ҳисобга олиб, автомашина ойналарини қорайтиришга рухсат берилаётганидан мамнунлигини, аммо нархлар кўпчилигининг ҳамёнига тўғри келмаслигини таъкидлаган. У қуйидагича тақлиф берган: ойнани қорайтириш нархини автомобиль маркасига қараб ёки оддий халқнинг ҳамёни кўтаридиган қилиб белгилаш лозим.

Маматов Шухратбек шундай фикр қолдирган: Қуйида келтирилган саволларни яна бир бор қўриб чиқишингизни сўрайман: Бу лойиҳани амалиётга татбиқ қилишдан мақсад нима ўзи? Иссиқ юртда яшаётган халқимизга ва меҳмонларимизга автотранспортда ҳаракатланишда қўлайликлар яратиб беришимиз? Агар қўлайлик учун бўлса, бунга пул тўлаш шартми? Шарт бўлса, тўлов қилиш имконини берувчи нарх белгилашни керакмасми?.. Шу сабабли мукамал қарор тайёрлаб, амалиётга татбиқ қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Искандаров Самандар ойна қорайтириш учун давлат божини бир ойга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдориде бўлиши кераклигини тақлиф қилган.

Қарор лойиҳаси муҳокамага қўйилганига бир ҳафтадан ошмоқда. Унга юртдошларимиз томонидан қўллаб-қувватлаш, тақлифлар бериляпти. Улар қай даражада инобатга олинади — бунинг вақт кўрсатади.

Аммо ҳозир кишини бошқа бир ҳисоб-китоб ўйлантириб қўяди. Бугун автосалонларда «Спарк» машинасининг турли русумлари 65 дан 75 миллион сўмгача сотилмоқда. Юқоридаги қарор қабул қилинса, ушбу машина ойнасини қорайтириш учун 1 йилга энг кам ойлик иш ҳақининг 90 баробари, яъни 16,5 миллион сўм тўлаш керак бўларкан. 4-5 йил давомиде «тонировка» учун тўланадиган маблаг миқдори 60-80 миллион сўм атрофида бўлади...

Эслатиб ўтамиз, қарор лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси жорий йил 13-июлгача давом этади.

Тўқтин ТўРАХОНОВ

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

## БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 29 июнь куни Тошкент шаҳри ва пойтахт туманлари ҳокимлари, мутасадди раҳбарлар иштирокида Олмазор туманида ўтказилган йиғилишда қатор долзарб масалалар бўйича аниқ вазифалар белгилаб, тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берган эди.

Олмазор тумани ҳокимлигида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, ҳокимлик мутасаддилари, фаоллар, маҳалла оқсқоллари, имом-хатиблар, таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларнинг ижроси юзасидан ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди, маҳаллалар фаолиятини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилди. Уларга маҳалла аҳли билан мулоқотга киришиш, ижобий тажрибани ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш вазифалари топширилди.

Сенаторлар томонидан туман Кенгаши билан алоқаларни мустаҳкамлаш, депутатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш, депутатлик назоратини амалга ошириш бўйича амалий қўникмаларни мустаҳкамлашга қаратилган бевоСИ-та мулоқотлар олиб боришмоқда.

Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш, янгиликларни ташкил этиш, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш, жумладан, инвестиция ва технологиялар жалб қилиш, туман ҳудудига 15 минг аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 4 та сектор кесимидаги дастурларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, Олмазор туманининг иқтисодий имкониятлари батафсил ўрганилиб, ишга солинмаган заҳиралар, хусусан, бўш турган бинолар инвентаризациядан ўтказилмоқда, улардан янги сабабдан фойдаланилмаётгани аниқланмоқда.

Маҳаллалардаги экологик вазият, ҳудуд тозаллиги ва мавжуд сув тармоқларининг ҳолати билан ҳам яқиндан танишиб боришмоқда. Бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасадди тузилмалар ҳамда аҳолига зарур кўрсатма, тақлиф ва тавсиялар берилмоқда.

Олмазор туманининг янги маркази — «Olmazor city»ни барпо этиш масаласи ҳам халқ вакилларининг диққат марказидадир. Бир сўз билан айтганда, Олмазор туманида Президентимиз томонидан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун кенг жамоатчилик, депутатлар, сенаторлар бир ёқадан бош чиқариб амалий ишларни бошлаб юборди.

Толибжон МАДУМАРОВ,  
Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият  
вакиллик органлари фаолиятини қўлайлаштиришга  
қўмаклашувчи комиссия раиси.  
Ў.А.



Шавкат Мирзиёев билан Олмазор тумани раҳбарлари билан учрашув.

## «ЁШЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ!»

Маълумотларга кўра, мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида ўтган йили 5 минг 400 дан зиёд наркотиқдор фожия эълон қилинган, 1 тонна 994 килограмм миқдордаги наркотик моддалар мусодара қилинган.

Тошкент тиббиёт академияси мажлислар залида гиёҳвандликка қарши курашиш мавзусига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатига Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракцияси аъзолари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ходимлари, профессор-ўқитувчи ва талабалар қатнашди.

Дастлаб тиббиёт академияси ёшлар масаласи бўйича про-ректори Турдикул Бобомуротов психотроп моддаларнинг инсон

саломатлигига таъсири ва унинг салбий оқибатлари ҳақида сўз юритди.

Яшнотуман ёшлар ва воғя етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси катта инспектори Юлдуз Аширова эса ички ишлар тизимида ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида ўтказилаётган тадбирлар ҳусу-сида иштирокчиларга маълумот берди.

Тадбир давомиде гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилишнинг мудҳиш оқибатлари акс этган видеоролик намойиш этилди.

Ў.А. мухбиримиз.

АКС-САДО

# ДЕПУТАТНИНГ ИШИГА ҲАҚИҚИЙ БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАДИ

Тахририятимизда депутатлик масъулияти ҳақида дав-  
ра суҳбати ўтказилган эди. Унда Тошкент шаҳар туман  
Кенгашлари ташкил этилганига ярим йил бўлаётгани,  
шу вақт давомида депутатларимиз ишни қандай йўлга  
қўйгани, қандай ташаббуслар билан чиқаётгани, бугун

халқ вакиллари зиммасида улкан масъулият тургани  
хусусида сўз юритилган. Газетамизнинг 19 июнь со-  
нида «Энг катта вазифа ишончини оқлашдир» сарлавҳа-  
си остида бир гуруҳ депутатларнинг шу масалалардаги  
фикр-мулоҳазалари берилган эди. Ушбу мавзу юзасидан

тахририятимизга кўплаб мурожаатлар бўлмоқда. Улар-  
нинг орасида Тошкент шаҳар туман Кенгашлари депутат-  
лари фикр-мулоҳазалари битилган электрон хатлар ҳам  
бор. Депутатлар ҳудудлардаги муаммолар ва уларнинг  
ечими бўйича ўз таклифларини билдиришмоқда.



**Феруза ХАЙДАРОВА,**  
халқ депутатлари Мирзо Улугбек  
туман Кенгашидаги ЎзХДП  
гуруҳи аъзоси, Республика  
ихтисослаштирилган эндокринология  
илмий-амалий тиббиёт маркази  
директори уринбосари —  
бош шифокори:

— Ўтган йил 24 декабрь кuni Тошкент шаҳар  
туман Кенгашларига ўтказилган сайловда  
партиямиз жами 50 депутатлик ўрнини кўлга ки-  
ритди. Шулар қаторида мен ҳам борлигимдан  
фахрланаман. Табиийки, масъулиятим минг кар-  
ра ошганини ҳам биламан. Депутатлик фаоли-  
ятимнинг ilk кунларида ишни нимадан бошлашни  
билмай юрдим. Шу вақтда қабулимга келган бир  
бемор истикомат қилаётган ҳудуддаги ўзини ўй-  
лантираётган ижтимоий муаммо хусусида гапи-  
риб қолди. Ундан ҳудудингиздан сайланган де-  
путатга мурожаат қилмадингизми, деб сўрадим.  
У эса бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганини билдирди.  
Рости, жуда хафа бўлдим. Гўё сайловчим билан  
суҳбатлашаётгандек ҳис этдим ўзимни. Шу кuni  
10-Алломиш округи томон йўл олдим. Ҳаёлимда  
депутат аслида ким, деб такрорлардим. Учра-  
шувдан сўнг эса депутат халқнинг хизматидаги  
шахслигига яна бир марта амин бўлдим. Шундан  
бўён ҳар бир фуқаро билан суҳбатлашишдан  
эринмайман. Муаммони ҳал этмагунча тинчимни  
тополмайман. Бу жараёнлардан ҳузурланадиган  
бўлдим.

Депутат бўлиб сайланганимда ҳудудимиз  
тинч ва оқсоқилча, айтарли муаммо ҳам йўқ,  
деб ўйлагандим. Янглишган эканман. Аҳо-  
ли орасида эҳтиётчан, ноғиронлиги бўлган  
шахслар, ёлғиз кексаларни ўйлантираётган

масалалар етарлича топила экан. Ҳар ой де-  
путатлик ҳисоботини ёзарканман, амалга оши-  
рилган ишлар билан биргаликда келажак учун  
режалар ҳам тузиб бораман. Мурожаатлар  
билан танишаман. Масалан, 171-мактаб ўқи-  
тувчилари томонидан ёзма мурожаат келиб  
тушди. Унинг мазмуни билан танишиб, очик му-  
лоқот ўтказишга аҳд қилдик. Аҳолига қанчалик  
яқин бўлсак, уларнинг ишончини қозонишимиз  
шунчалар осон бўлишини билдик.

Мен бош шифокор лавозимида ишлайман.  
Табиийки, ҳар кuni кўпчилик билан мулоқот-  
да бўламан. Бундан ташқари, шифохонамиз-  
да ишлаётган ходимлар ҳаёт тарзи билан  
яқиндан танишиб боришим, муаммоларини  
ўрганиб, ечим топишда кўмаклашишим ҳам  
лозим. Ҳали қиладиган ишларимиз талайги-  
на. Депутат сифатида фаолиятимдан тўла қо-  
ниққанам йўқ.

Оилаларга кириб борганимизда ишсизлик ёки  
уй-жой, соғлиқни сақлаш тизими билан боғлиқ  
муаммолар учрайди. Кўп қаватли уйларда ком-  
мунал тўловларнинг ошиб боришидан аҳолида  
норози кайфият шаклланимоқда. Буларнинг бари-  
ни бирданига ҳал этиб бўлмайди, албатта. Шунинг  
ҳисобга олиб, сайловчиларга ҳар бир вазият  
юзасидан атрофлича ҳуқуқий ва иқтисодий ту-  
шунча беришга ҳаракат қиламиз. Йўл-йўриқ кўр-  
сатамиз. Уларга муаммо бирданига ҳал бўлади,  
деб айта олмаيمиз. Баъзи масалаларнинг ечим  
топиши мутасадди ташкилот раҳбарларига ҳам  
боғлиқ. Улар депутат сўровига бефарқлик қил-  
маса, депутатнинг ҳам сайловчилар олдида юзи  
шувут бўлмайди.

«Ўзбекистон овози» газетасида чоп этил-  
ган Тошкент шаҳар туман Кенгашлари де-  
путатларининг фикр-мулоҳазалари билан  
танишдим. МЕНДА ҲАМ БИР ТАКЛИФ БОР.  
Вилоятларда, туман ва чекка қишлоқларда  
тиббий ходимлар етишмайди. Шу боис тибби-  
ёт олийгоҳларида вилоятлар кесимида бар-  
ча тиббий йўналишлар бўйича квоталарни  
ошириш лозим, деб ўйлайман. Квота асосида  
ўқишга кирган талабаларнинг ўз ҳудудларида  
фаолият олиб боришини таъминлаш зарур.  
Чекка қишлоқ ва ҳудудларда кичик поликли-  
никалар жорий этиш керак. Албатта, бу ма-  
салаларда республикамизда муайян ишлар  
амалга ошириляпти, лекин бу жараёни яна-  
да жадаллаштириш керак.



**Акмал ЙЎЛДОШЕВ,**  
халқ депутатлари Юнусобод  
туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи  
аъзоси, Қибрай туманидаги  
«Гулшан» санаторийси директори:

— 2-Испомобод сайлов округидан де-  
путатликка сайланганман. «Тикланиш» маҳал-  
ласи ҳам бизнинг сайлов округимиз ҳуду-  
дида жойлашган. Ҳудудимизда кўп қаватли  
уйлар йўқ. Шу боисданми, ширкатлар фа-  
олияти борасида ҳеч ким шикоят қилмайди.  
Бизда ишсиз одам деярли топиламайди. Би-  
рор фуқаро ишсизлигини билганимиз заҳоти  
маҳалладошлар кўмағида унинг бандлиги  
таъминланади. Буларнинг барчаси маҳалла  
ахлининг аҳилигидан, деб биламан.

Ойда икки-уч марта сайловчилар билан  
учрашув ўтказамиз. Уларни ўйлантираётган  
масалаларни аниқлаб, тегиш-  
ли ташкилотларга депутатлик сўрови  
юборамиз. Бундай вазиятларда мута-  
сатти ташкилот ва масъуллар ёрдами-  
га муҳтож бўламиз. Шу ўринда алоҳида  
таъкидламоқчиман, ҳар қандай масала-  
нинг ҳал бўлиши депутат шахсиятига,  
қатъиятига боғлиқ. Яъни, депутат руҳан  
кучли инсон бўлса, муаммони ҳал эт-  
магунча тинчимайди. Бошқаларга ҳам  
тинчлик бермайди. Бошида қийнали-  
ши, югур-югурлардан толиқиши мумкин.  
Аммо унинг амалий ишлари аҳоли ора-  
сида эътироф этила бошлаётган. Ҳар қан-  
дай ташкилот, ҳар қандай мутасадди  
раҳбар депутат билан ҳисоблашади.  
Бунга ўз фаолиятим мисолида амин  
бўлганман.

Рости, Тошкент шаҳар туман Кен-  
гашларига сайлов бўлишини эшитган-  
нимда, депутат сифатида номзодимни  
қўйиш ҳаёлимга ҳам келмаган эди. Юну-  
собод туман партия кенгаши раиси Ниго-  
ра Эшматова бу ҳақда айтганида, масъу-  
лиятдан биров чўчидим ҳам. Аммо унинг  
аҳолига фойдангиз тегсин, дейман-да,  
деган гапларидан сўнг иштиёқ пайдо бўл-  
ди. Мана, сайловдан кейин олти ой ўтди.  
Шуқри, депутат сифатида муайян ишлар-  
ни амалга оширишга улгурдим. Бир нечта  
ноғиронлиги бўлган, эҳтиётчан оила ва-  
килларига бепул даволаниш учун ордер  
олишида кўмаклашдим. Ўзим фаолият  
олиб бораётган санаторийда ҳам эҳтиёт-  
чан кишилар учун имтиёзли тарзда дам  
олишлари учун шарт-шароитлар яратдик.  
Ҳудуддаги муаммолар юзасидан сессия-  
га масала олиб чиқдик. Бу бўйича сессия  
қарори қабул қилинган бўлиб, айни вақтда  
унинг ижросини назорат қиляпмиз.

«Тинчлик» маҳалласи ҳудудидаги  
«Гулёр» 6-тор кўчаси Тошкент шаҳри  
ҳудудига қўшилгандан буюн асфальт қи-  
линмаган. Кўчанинг 40 фоизи канализа-  
ция тизимига уланган, холос. Электр сим  
ёғочларини алмаштириш, тунги ёрит-  
кичлар ўрнатиш лозим. Бу масалаларни  
чўқур ўрганиб, кейинги йил Давлат дас-  
турига киритиш бўйича туман ҳокими-  
га депутатлик сўрови юбордик. Сўровга ўз  
вақтида ижобий жавоб ҳам олдик. Ама-  
лган оширган саяё-ҳаракатларимиздан  
аҳоли мамнун. Ҳаракатни сўсайтирмас-  
лик кераклигини биз, депутатлар яхши  
англаб етляпмиз. Зеро, Тошкент шаҳар  
туман Кенгашларига сайлов бежизга ўт-  
казилмади. Жойлардаги ҳақиқий аҳолини  
ўрганиш, ижро ҳокимиятига аниқланган  
муаммолар юзасидан таклифлар бериш  
мақсад қилинганди. Бир сўз билан ай-  
тганда, катта юкни зиммасизга олганмиз.  
Вақти келиб, сайловчилар биздан ҳисоб  
сўрайди, ишимизга ҳақиқий баҳони жа-  
моатчилик беради, Биз бунга тайёр тури-  
шимиз лозим, деб ўйлайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири  
Махлиё АЛИҚУЛОВА ёзиб олди.

Халқ билан мулоқот қилиш ва ин-  
сонларнинг дарду ташвиши билан  
яшаш бугунги сиёсатнинг асосини таш-  
кил этади. Бу эса барча даражадаги  
раҳбарлар, жумладан, сиёсий партия-  
лар масъуллари ва депутатлар зим-  
масига ҳам катта масъулият юклаши  
табиий. Хўш, бугунги кунда ҳудудлар-  
да электротимиз вакиллари қандай  
масалалар қийнапти, муаммолар-  
ни бартараф қилиш борасида амалга  
ошириляётган ишлардан одамларнинг  
кўнгли тўлаятими?

Ана шу саволларга жавоб топиш мақ-  
садида Жарқўргон туманида бўлдик.

## МУРОЖААТ ВА МАСЪУЛИЯТ

— Тўғриси айтганда, ютуқлар билан  
бир қаторда камчиликларимиз ҳам бор,  
— дейди Ўзбекистон ХДП Жарқўргон  
туман кенгаши раиси, туман Кенгаши-  
даги партия гуруҳи аъзоси Алишер  
Маматмуродов. — Аҳолини бандлик, йўл  
қурилиш, уй-жой олиш, ичимлик суви ва  
табиий газ масалалари кўпроқ ўйлантира-  
ди. Таълим ва тиббиёт, молия-банк соҳа-  
ларида ҳам салбий ҳолатлар кўзга ташла-  
нади. Йиллар давомида тўпланиб қолган  
долзарб муаммоларни бартараф қилиш  
учун партиядошларимиз ва депутатлар  
замон талабига мос иш юритишлари ло-  
зим. Айниқса, Жамоатчилик қабулхонаси  
фаолиятини жонлантириш муҳим аҳа-  
миёт касб этади. Жойларда сайёр қабуллар  
ташқил қилиш асосий вазифаларимиздан  
ҳисобланади.

Ўтган йили Жамоатчилик қабулхона-  
мизга 113 киши мурожаат қилган. Жорий  
йилнинг тўрт ойида эса 27 нафар фуқаро  
турли масалада қабулга келган. Улар-  
ни ҳал этиш учун қўлимиздан келганча  
ҳаракат қиляпмиз. Аммо бу рақам бизни  
қониқтирмайди. Биламиз, юзлаб одамлар  
турли муаммоларга ечим ахтариб овера  
бўлиб юрибди. Бизга эса қарийб ярим йил  
орасида улардан бор-йўғи 27 нафари му-  
рожаат қилапти. Нега? Бу савол ҳар би-  
римизни ўйлантириши керак.

— Айрим мутасаддиларда ҳамон бе-  
парволик кузатилаётгани афсусланар-  
ли, — дейди «Қўлдовли» маҳалласида  
истикомат қилувчи меҳнат фахрийси  
Абдусаттор Фозилов. — Муаммонимизга  
ечим топиш натижаси турсин, ҳатто дардин-  
гизни тингламайдиганлар ҳам топилади.  
Бу одамларнинг ҳақи эътирозига сабаб  
бўлиб, турли норозиликларни келтириб  
чиқарпти. Жамоатчилик қабулхонаси эса  
халқимизнинг ишончи масканига айлана-  
ётганидан хурсандман.

Ўтган йили Жамоатчилик  
қабулхонамизга 113 киши  
мурожаат қилган. Жорий  
йилнинг тўрт ойида эса 27 нафар  
фуқаро турли масалада қабулга  
келган. Уларни ҳал этиш учун  
қўлимиздан келганча ҳаракат  
қиляпмиз. Аммо бу рақам бизни  
қониқтирмайди. Биламиз, юзлаб  
одамлар турли муаммоларга ечим  
ахтариб овера бўлиб юрибди.  
Бизга эса қарийб ярим йил  
орасида улардан бор-йўғи 27  
нафари мурожаат қилапти.  
Нега? Бу савол ҳар би-  
римизни ўйлантириши керак.

Ўғлим Салимжон Фозилов ўтган йили  
Андижон давлат тиббиёт институтини му-  
ваффақиятли тамомлади. Бундан онаси  
иккимиз нихоятда мамнун бўлдик. Тахсил-  
ни тўлов-контракт асосида магистратурада  
давом эттирмоқчи бўлганидан янада қувон-  
дик. Аммо 9 миллион 660 минг сўм пул то-  
пишга қийналдик. Ҳолийлик ёрдами сураб,  
турли корхона ва ташкилотлар мутасадди-  
ларига учрашдим. Кўплаб масъул идора-  
лар раҳбарларига мурожаат қилдим. Лекин  
фойдаси бўлмади. Шундан кейин Жамоат-  
чилик қабулхонасига бордим. Ўзбекистон  
ХДП Жарқўргон туман кенгаши раиси қутиб  
олди. Оилавий шароитимиз билан яқиндан  
танишган, албатта ёрдам беришини айтди.

Ишониб-ишонмай уйга қайтдим. Ора-  
дан уч-тўрт кун ўтгандан кейин Алишер  
Маматмуродов шартнома ҳужжатла-  
рини сўради. Хуллас, Ўзбекистон ХДП  
Жарқўргон туман кенгашининг ташаббуси  
ва «Жарқўргон нефтини қайта ишлаш»  
қўшма корхонаси раҳбариятининг саяё-  
ҳаракати билан 4 миллион 830 минг сўм  
ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Саховатпе-  
ша инсонлардан бир умр миннатдорман.

— Шу ўринда муҳим масала хусусида  
тўхталмоқчиман, — дейди халқ депутат-  
лари туман Кенгашидаги Ўзбекистон  
ХДП гуруҳи раҳбари Шукур Ҳозоров. —  
Бугунга қадар чекка ва бориш қийин бўл-  
ган ҳудудлар тўлиқ камраб олингани йўқ.  
Инфратузилмани яхшилаш, коммунал  
хизматлардаги нуқсонларни бартараф қи-  
лиш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини  
таъминлаш масалалари долзарблигича  
қолмоқда. Аҳолига намунавий транспорт  
хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш ҳамда  
вақтинчалик автомобиллар турар-жой-  
ларини ташқил қилиш муҳим вазифалар-  
дан ҳисобланади. Партиядошларимиздан  
янада фаол ва фидойи бўлиш талаб эти-  
лади.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

# Ноғиронлиги бўлган шахслар ўқиши учун квота ажратилган, аммо...



хулоса тақдим этилиши керак.

Ноғиронлиги бўлган шахслар билан  
ишлаш учун махсус комиссия тузил-  
ди. Улар ҳужжатларни қабул қилиш,  
касбга йўналтириш ва бошқа масала-  
ларда суҳбатлар ўтказиш вазифасини  
бажаради. Қабул комиссияси мудда-  
ти тугагач, барча ноғиронлиги бўлган  
абитуриентлар ҳақидаги маълумотлар  
давлат тест маркази базасида шакл-  
лантирилади.

Давлат тест маркази масъул  
ходими Гулбаҳор Мадрохимова но-  
ғиронлиги бўлган шахсларнинг имтиҳон  
топишириш усуллари ҳақида тўхталиб  
ўтди. Низомга кўра, бу умумий тест ёки  
ижодий имтиҳон топириш шаклида бў-  
либ ўтади. Тўпланган баллар энг юқори  
баллнинг 30 фоизидан кам бўлмаган  
микдорда кетма-кетлик асосида ҳисобга  
олинади. Маълумот ўрнида айтиш керак,  
бу йил тест имтиҳонларига ўзгартириш  
киритилган, яъни ҳар бир фан бўйича 30  
тадан савол берилади. Энг юқори балл  
189 бўлиб, унинг 30 фоизи 56,7 баллни  
ташқил қилади. Белгиланган квотадан  
ташқари абитуриентлар умумий тар-  
тибда шартнома асосида ҳам ўқишга қа-  
бул қилиниши мумкин.

Семинар қизгин мунозаралар билан  
давом этди.

— Авваламбор ЎзХДПга раҳмат.  
Улар бизни ҳамиша кўплаб-қувват-  
лаб келган ва бир йил ичида доимий  
алоқалар янада мустаҳкамланди, —  
деди Ўзбекистон ноғиронлар ассо-  
циацияси раиси уринбосари Фарҳод  
Абдурахмонов. — Бу камчиликларни  
босқичма-босқич ҳал этиш имконини  
бермоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим ва-  
зирлигининг муносабати бизни би-  
ро-ро хайрон қолдирди. Ваҳоланки,  
улар белгиланган тартиб-қоидалар  
бевоқиф ноғиронлиги бўлган шахслар  
ҳаётига дахлдор бўлса-да, улар  
орасидан бирор-бир вакил низомни  
ишлаб чиқишда иштирок этмаган.  
Мутасадди ташкилотлардан бу ҳақда  
сўраганимизда эса улар бизга ижро-  
чилар қаторида йўлқилишми, ҳужжат  
қабул қилинган, ўз фикримизни бил-  
диришимиз мумкинлигини айтишди.

Бу ноғиронлиги бўлган шахсларнинг  
хуқуқларини поймол қилиш билан ба-  
робар, деб ҳисоблаймиз.

Ноғиронлиги бўлган шахслар учун  
ажратилаётган қўшимча квотага келсак,  
бизнинг таклифимиз инobatта олинган-  
нидан хурсандим. Ноғиронлиги бўлган  
шахсларга берилаётган ҳамда ўқишга  
юршиш учун топширилаётган 086 шакл-  
даги 15 йўналишдаги врач кўригидан  
ўтганлик ҳақидаги тиббий, хулосалар  
шахснинг ҳолатини намоён қилади. Де-  
мак, имтиҳонда қатнашиш истагини бил-  
дираётган абитуриентларнинг суҳбатдан  
ўтказиш учун тузилган комиссияга ҳожа-  
т йўқ. Чунки тиббий меҳнат эксперт комис-  
сияси ҳамда оилавий поликлиника бер-  
ган хулоса расмий ҳужжат ҳисобланади.  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги-  
нинг вазифаси абитуриентларнинг со-  
ғлиги ёки руҳий ҳолатини текшириш эмас,  
балки ўқитишдан иборат, деб ўйлайман.  
Эксперт комиссиясини берган маълумот-  
номани текширишнинг ҳожаати йўқ. Улар  
давлат рўйхати асосида рақамланади.

Масалан, мен биринчи гуруҳ но-  
ғирониман ва аравадада юраман.  
Аммо фан номзоди бўла олдим.  
Ноғиронлиги бўлган шахсларга им-  
кониятлар кенгайтирилсин, деймиз.  
Улар боқиманда эмас, ҳамма қатори  
ўзига хос салоҳиятга эга шахс экани-  
ни исботлаш учун шароит яратилиши  
истаймиз. Бунинг учун ҳар бир  
абитуриентнинг имконияти инobatта  
олиниши, улар учун тенг шароитлар  
яратилиши керак.

Яқинда ноғиронлар жамиятлари  
аъзолари билан бирга 12 олий таъ-  
лим муассасасидаги шароит билан та-  
нишдик. Афсуски, уларда ноғиронлиги  
бўлган шахслар учун керакли шароит  
яратилмаган. Ноғиронлиги бўлган йи-  
гит-қизлар эртага ўқишга киргандан  
кейин қийналиб юрмасин, деймиз. Бу  
муаммони ҳал қилмай туриб, қутилган  
натижага эришиб бўлмайди...

Иштирокчилар яна қатор масала-  
ларда ўз фикр-мулоҳазаларини бил-  
дирди, таклифлар муҳокама этилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жорий ўқув йилидан бошлаб  
ноғиронлиги бўлган шахслар олий  
таълим муассасаларида ўқиши  
учун қўшимча давлат гранти квота-  
лари ажратилади. Бу ҳақда ҳукумат  
қарори билан махсус низоми тас-  
диқланган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши  
ўқишга қабул қилинган қандай таш-  
кил этилиши ҳақида семинар ўтказди.  
Унда Олий Мажлис Қонунчилик палата-  
сидаги партия фракцияси аъзолари,  
Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқ-  
ни сақлаш вазирликлари, Давлат тест  
маркази, Ноғиронлар жамиятлари ва-  
киллари, маҳаллий Кенгашлар де-  
путатлари иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши  
раиси уринбосари Улугбек Вафоев но-  
ғиронлиги бўлган шахслар ўқиши учун  
ажратилган давлат гранти ҳақида маъ-  
лумот берди.

— 2017 йил 1 декабрдаги Президент  
фармони билан «Ноғиронлиги бўлган  
шахсларни қўллаб-қувватлаш тизи-  
мини янада такомиллаштириш ҳамда

уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳи-  
моя қилиш камплектида кучайтири-  
лиш бўйича маълумот чора-тадбирлар»  
дастури қабул қилинган эди, — деди  
у. — Унда олий таълим муассасалари-  
га абитуриентларни қабул қилишнинг  
умумий сонидан ноғиронлиги бўлган  
шахслар учун қўшимча равишда икки  
фоизли квота ажратилиш тартиби тўғри-  
сидаги низоми лойиҳасини ишлаб чиқиш  
вазифаси белгиланган.

Жорий йил 2 июнда шу бўйича ҳу-  
кумат қарори қабул қилиниб, қўшим-  
ча давлат гранти квоталари асосида  
ўқишга қабул қилиш тартиби белгилаб  
берилди. Ушбу ҳужжатда олий таълим  
муассасаларида ҳамда ноғиронлиги  
бўлган шахслар ўқийдиган бино ва ау-  
диторияларда зарур шарт-шароитлар  
яратиш назарда тутилган.

Бу ҳақда кенг тушунтириш ишла-  
рини амалга ошириш, шу билан бирга,  
жамоатчилик ва парламент назоратини  
йўлга қўйиш долзарб аҳамиятга эга.

— Умид қиламизки, яратилган  
имтиёзлар ноғиронлиги бўлган шахс-  
ларнинг эмин-эркин таълим олишида

янги босқични бошлаб беради, — деди  
Олий ва ўрта махсус таълим вазир-  
лиги етакчи мутахассиси Абдусамид  
Маманазаров. — Маълумотларга кўра,  
айни пайтда олий таълимда респу-  
бликамиз бўйича 805 нафар ноғиронлиги  
бўлган шахслар тахсил олмоқда. Бу  
йил эса қўшимча квота ҳисобига 1386  
нафар абитуриент ўқишга қабул қи-  
линади. Ҳозирга қадар ўқишга қабул  
қилинаётган ноғиронлиги бўлган шахс-  
лар умумий танловда иштирок этарди.  
Янги тартиб бўйича ноғиронлиги бўл-  
ган шахслар орасида алоҳида имтиҳон  
ўтказиш белгиланган. Квота асосида  
қабул қилиниши учун баллари етма-  
ган абитуриентлар эса умумий тан-  
ловда иштирок этади. Айтиш кераки,  
қўзи оқиз ноғиронлиги бўлган шахслар  
учун танловда квота ажратилмаган.  
Бундай абитуриентлар тўғридан-тўғри  
грант асосида ўқишга қабул қилинади.  
Буларнинг барчаси учун абитуриент-  
дан 11 йиллик мактаб таълими ёки ўрта  
махсус таълимда ўқигани ҳақидаги ҳуж-  
жат ҳамда биринчи ёхуд иккинчи гуруҳ  
ноғирони эканини тасдиқловчи тиббий

Қўриқовчи БУМАТОБОВ оғлини оғират.

МУНОСАБАТ

ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ  
ТУЗИЛМА



Карим КАРИМОВ,  
Олмазор туманидаги 2-ички ишлар  
бўлими бошлиғи, подполковник:

— Давлатимиз раҳбари туманимизга ташрифи доирасида бўлишимиз фаолияти билан яқиндан танишиб, керакли топшириқ ва тавсиялар берганлиги биз учун ҳам шараф, ҳам катта масъулиятдир. Аслида биз хизмат қилаётган бўлим ҳам айнан Президентимиз фармони билан ташкил этилган. Жамоамиз аъзолари туманимизда жойлашган олитта маҳаллада истикомат қилувчи 30280 нафардан зиёд турли миллат вакиллари тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга масъулдир. ИИБда профилактика инспектори, миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш инспектори, навбатчи, суриштирувчи, воёга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари, шунингдек, тергов, жиноят-қидирув бўлиминини тезкор вакиллари фаолият юритиб келмоқда. Яна муҳим бир гап. Бўлимининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланганлиги содир этилиши мумкин бўлган турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, ҳудудни туну кун назорат қилиш, фуқароларимиз ҳавфсизлиги ва осойишталигини таъминлашда жуда муҳим омили бўлмоқда.

«Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида бугунгача 64 та кўп қаватли уй ва 1884 хусусий ҳовлиларга 500 га яқин видеокузатув мосламалари ўрнатилган. Бу ўз навбатида ҳудуддаги вазиятдан доимий хабардор бўлиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилганларини қисқа муддатда фожиялиқни бериб бериш, фуқаролар ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатга нисбатан жазо муқаррар эканлигини тушуномқда. Шу ўринда профилактика инспекторларининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида бир қатор қўлайликлар яратилганлиги алоҳида таъкидламоқчиман. Жумладан, улар хизмат уйлари ва шахсий автомобиллар билан таъминланаяпти. Бундай қўлайликлар профилактика инспекторларимиз зиммасига катта масъулият юкляпти, албатта.

Бўлим фаолияти ҳақида сўз кетар экан, содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинаётганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда. Мукаддам судланган ва профилактик ҳисобда турган шахслар билан яқна тартибдаги суҳбатлар, уларнинг оилавий аҳволи, турмуш тарзини уйлари-га бориб ўрганиш ва ёрдам кўрсатиш жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Осойишталик посбонлари жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси раҳбарлари, шунингдек, маҳалла фаоллари билан доимий мулоқот ўрнатилган эътибор қаратайлик.

Ҳудудларда ички ишлар бўлими фаолиятининг йўлга қўйилиши аҳолига қўлпаёқ қўлайликлар яратди. Фуқароларимиз қонунчиликка оид саволлар, миграция ва фуқаролиқни расмийлаштиришга оид ҳужжатлар ёки оилавий, қўшнчилик муносабатларига доир масалалар юзасидан бу ерга мурожаат қилишяпти. Ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан ҳушмуомалалиги, фуқаролардан ёрдамни аямаслиги, ўртадаги ўзаро ишонч ва ҳурмат маҳаллаларда тинчлик-фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири  
Равшан ШОДИЕВ ёзиб олди.

НА БУЗИЛАДИ,  
НА ТУЗИЛАДИ



Мухаббат ТОШПУЛАТОВА,

Олмазор туманидаги «Эски шаҳар» МФЙ раиси:

— Маҳалла раиси сифатида иш бошлаганимга эндигина уч ой бўлди, унча маслаҳатчи лавозимда ишлаганман.

Маҳалламизда 2000 га яқин оила истикомат қилади. Биттагина эски мактаб, имконияти эса қоникарли эмас. Форобий, Озод, Кўксув, Лангар, Қизилтуп, Пахта, Жонон кўчалари болалари спорт майдончаси йўқлигидан қийналишади. Айни вақтда ёзи таътил бўлгани учун майдонча ҳар қачонгидан да зарур. Ўзингиз бир ҳисоблаб кўринг, битта берк кўчада 15-20 нафар бола бор. Биргина Хоразмий кўчасида 8 та берк кўча бўлиб, бу дегани бир кўчанинг ўзига 150-160 бола спорт майдончасидан фойдаланиш имкониятидан бебаҳра.

Бундан ташқари, маҳалламизда ичимлик суви босими жуда паст бўлиб, бу ҳақда туман «Сувсоз»га кўп бора мурожаат қилдик. Канализация тизимида ҳам муаммолар бор.

Маҳалламиз ҳудуди бузилиб, янгидан бунёд этилади, дейилганидан сўнг камчиликлар бартараф этилиши сувайди. Маҳалладаги 160 дан ортиқ симёғочларни алмаштириш, қий-шайиб яроқсизга чиқаётганларини тузатиш керак.

Лангар кўчасининг маҳалламизга қарайдиган 500 метрча қисми ичигади берк кўчалари асфальт қилинмаган. Неча бора масъулларга мурожаат қилдик. Кейин эшитилишимизча бузиладиган ерга давлат маблаг иртиқча исроф қилинмаслиги керак, дея асфальт қилинмаётган экан. Шундан сўнг, ўзимизнинг ички имкониятимиздан келиб чиқиб, 200 метрча жойини аҳолидан пул йиғиб тузатдик. Қачон бузилиши эса номаълум. Ҳеч бўлмаса, аниқлик ҳам киритилмаётган. Қисқа қилиб айтганда, на бузилади, на тузилади. Маҳалламизда битта хонадонда 4-5 та оила яшаётганлар кўп.

Маҳаллада тез-тез сув, чироқ ўчиши асосий муаммо. Маҳалламиз аҳолиси кўп миллатли бўлиб, эрта-индин барибир бузилади, дея одамлар уйларига қарамай, ташмирламай қўйишади. Шу босис тезроқ маҳалла қурилиши Давлат дастурига киритилишидан умидворимиз.

Маҳалламизда дабдабаозликка берилган, катта тўй қилиб исрофгарчиликка йўл қўётганлар деярли йўқ. Аҳолининг катта қисми ўртаҳол кун кечиради ва ихчам тўй қилиш уларга ҳар томонлама қўлай.

Маҳалламизда йил бошидан бери бирорта ажрим ёки ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилмади.

ЎЗА

МУЛОҲАЗА

ТУНГИ ВЕЛОСИПЕДЧИЛАР

Уларнинг аксарияти ёшлар, ўсмир болалар ва қизлар

Бу мавзунинг таҳририятимиз ижодий йиғилишида икки-уч марта муҳокама этдик. Ҳар хил фикрлар билдирилди. Бугунги замонавий ёшлар ҳошиш-истаклари, инсон ҳуқуқ-эркинликлари мезонларидан келиб чиқиб фикрлашдик. Охири бу масала ўсмир болалар, ёшлар тарбияси, керак бўлса, тақдирига дахлдор, деган ҳулосага келдик.

Газета таҳририяти ходимларининг иш вақти ҳар кун эрталаб соат 9 да бошланиб, ярим тунда тугайди. Ҳатто тунги соат икки-учдан ошганда ишимиз ниятсизга етади. Пойтахтимизнинг сукунатга чўмган, осойишта тунларида кўчаларда велосипед ҳайдаб кетаётган ёшларни кўрамиз. Аввалига замон ўзгардида, ёшлар бўш вақтини ўтказиш учун ҳар хил янгиликлар яратилляпти, деб ўйладик. Уларни ҳар тунда кўравергач, «Тавба, бу болалар ва қизларнинг ота-онаси бормикин? Бор бўлса, нега инда-майди? Фарзанди ярим тундан ошганда қаерда, ким билан юргани билан нега қизикмайди, ташвишланмайди?» деган саволлар кўн-гилга келди. Янада чуқурроқ ўйлаб кўрилса, кишини хавотир босади:

Айни ухлаб, дам оладиган пайтда кўчада дайдиб, велосипед ҳайдаб юриш уларнинг саломатлигига, тарбиясига, руҳиятига салбий таъсир қилмайдими?

Гулбаҳор ПУЛАТОВА,  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
даволаш профилактика  
ёрдами ташкиллаштириш  
бошқармаси бош мутахассиси:



— Врач сифатида айтишим керакки, уйқу гигиенасининг меъ-ёрлари мавжуд ва у ҳар бир инсон учун алоҳида кўринишда бўлади. Яъни болалар, ўсмирлар ва катталар учун алоҳида меъёрлар бел-гиланган. Уртача ҳисобда инсон

суткасида 8 соатдан кам бўлмаган миқдорда ухлаши тавсия этилади. Лекин айрим шахслар борки, улар соғлом турмуш тарзига амал қилган ҳолда, меҳнатга лаёқати баланд ва фаол бўлишади. Мана шундай тоифа кишилар учун 4-5 соатлик уйқу меъёрий бўлиб, бу уларнинг асаб тизими тўлиқ тикланишига етарли ҳисобланади.

Агар инсон тўйиб ухламаса, сурункали чарчокни келтириб чиқаради. Натижада асаб тизими бузилиши, диққатни жамлай олмаслик каби салбий оқибатларга олиб келади. Тартибсиз уйқу мия фаоли-лигини пасайтиради, кун давомида ланжлик ва асабийлашиш ҳолати-га сабаб бўлади. Шунинг учун му-тахассислар ухлаш гигиенасига амал қилишни тавсия этади. Чунки фақатгина меъёрий уйқу инсон организмининг тўлиқ тикланиши ва янги кунга соғлом тарзда етиб кели-лини таъминлайди.

Шунингдек, тунда велосипедда юриш тавсия қилинмайди. Ушбу спорт туридан оқилона фойдала-нишни истаганлар кундуз куну вел-осипедда сайр қилишлари керак. Шунда ҳам оддий инсонлар учун меъёр талаб этилади. Масалан, велоспортчилардан фаркли ра-вишда улар кунига 1-1,5 соат вел-осипедда юришлари лозим. Акс ҳолда, бу соғлиқ учун турли сал-бий оқибатларни келтириб чиқари-ши мумкин.

Бу шифокор фикри.



Санжар ШОТЎЛТАНОВ олов сураётган

Энди масаланинг тарбиявий томонига эътибор қаратайлик. Тунги 2-3 гача бу болалар, ёшлар шаҳарнинг турли майдон-ларида, кўчаларида кезиб нима ҳақда суҳбатлашади? Тарбияси бузилмайдими?

Ёшлар кечаси сайр қилиши, велосипед ҳайдаб завоканини-ни таққиллаш тарафлари эмасми. Аммо ҳамма нарсани шифокор айт-ганидек, вақтида, меъёрида бўл-гани яхши эмасми? Биз масалани ўрганишга, велосипед ижараси бил-ан шугулланувчи тадбиркорлар фаолияти, тартиби, низоми билан қизиқиб кўрдик.

Авалло, велосипедни ижарага беришнинг тартиби қандай? Ана шу саволга жавоб қилиб, велоси-педни ижарага берувчилар билан

суҳбатлашдик. Сайлгоҳ кўчаси-да ўзини Сардор деб таништир-ган 20-25 ёшлардаги йигит ижара нархи соатига 12 минг сўм экани, исталган вақтга олиш мумкин-лигини айтди. Фақат гаров эвазига паспорт ёки телефонни бериб ке-тиш керак экан.

Сардорнинг сўзларига қараган-да, велосипедда сайр қилиш вақти чегараланмаган, эрталабгача иш-лар экан. Қаергача борсақ бўлади, деган саволимизга «шаҳарнинг исталган жойига, хоҳласангиз уйингизга ҳам бориб келавера-сиз», деди. Билмаганларга вело-сипед ҳайдашни ўргатишни, ўзи бизга ҳамроҳ бўлишни айтди.

Чилонзор ҳудудидagi «Мил-лий» стадион олдига ҳам ана шун-дай жой ташкил этилган. У ерга

Тунги соат  
2-3 гача бу  
болалар, ёшлар  
шаҳарнинг турли  
майдонларида,  
кўчаларида  
кезиб нима ҳақда  
суҳбатлашади?  
Тарбиясига путур  
етмайдими?...

борганда, 14 ёшли мактаб ўқувчи-сини учратдик. Исмиди айтишни истамаган болақай велосипед-ларни ижарага берувчи экан. «Бир-оз одамлар қаймаганда кечроқ келсақ бўладими?», деб сўрадим. У эса «Тунги соат 12:30-1:00 гача ишлайман, келаверинг», деди.

Бундан ҳулоса шуки, эндигина 14 ёшга тўлган болақайга ижара ҳақини тўласангиз, тун яригача ухламай, сизни кутиб ўтираверад.


Велосипедчи ёшлар билан суҳ-батлашмоқчи бўлдик, аксарияти сўзимизни тинглашни ҳам истама-ди. Бундан кўра уйда китоб ўқиш, санъат ёки спорт билан шугулла-ниш яхши эмасми, деган саволи-мизга истеҳзоли жилмайиб билан жавоб қайтаришди. Айримларидан эса «уйда зерикман», «шунчак, велик учини хоҳлайман» каби жавоб олдик.

Биз суҳбатлашган мутахассис-лар фикрича, тунда велосипед-да сайр қилишнинг фойдасидан кўра зиёни кўпроқ. Уйқусизлик, толиқиш, вақтни беҳуда ўтказиш, тарбия масалалари... Ҳеч бир ота-она эътиборсиз қолдирмас-лиги керак. Бунинг ўстига, тунги велосипедчилар катта йўлларга чиқиб, пойга ҳам уюштиришар экан. Бу ҳолатлар автомобил қатновига ҳалақат беради, албат-та. Йўлларда фалокат рўй бер-маслигига ким қафолат беради?

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НАВБАҲОР ТУМАНИ ҲОКИМИ ДИҚҚАТИГА!

ФУҚАРО МУРОЖААТИНИ ҲАЛ  
ҚИЛИШ ШУНЧАЛИК ҚИЙИНМИ?



Навбаҳор тумани «Янги обод» маҳалласида яшовчи Яндаш Мавлонов «Бозор» кўчасидаги ички йўл шў кўчада яшовчи қўш-ниси Норпўлат Ҳамраев томони-дан беркитиб қўйилгани ҳақида жойларга бир неча бор мурожаат қилди. Дастлаб маҳаллага, сўнгра шу маҳалладан сайланган депу-татга йўлни очиб бериш бўйича қилган илтимоси жавобсиз қолиб келмоқда. Туман «Халқ қабулхона-сига» йўллаган мурожаати ҳам ҳеч қандай наф бермади...

Гап шундаки, мазкур ички йўл Норпўлат Ҳамраевнинг ўзбошимчилик билан қурган иморатлари (молхона, товухона) босиб берк кўчага айланган.

Мазкур масалада шу ҳудуддан сай-ланган депутатлардан бири туман ҳо-кимининг қурилиш масалалари бўйича

ўринбосари Аслиддин Раҳимовга депутат сўрови юборган.

Туман ҳокими ўринбосари эса маса-лани жойида ўрганиб ҳал қилиш бўйича туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғига кўрсатма беради.

Архитектура ва қурилиш бўлимидан борган ходимлар мурожаат эгаси билан учрашиб, масалага яна бир бор ойдинлик киритади. Маълум бўлишича, мазкур ички йўл чиндан ҳам ноқонуний қурилишлар сабаб берк кўчага айланган бўлган. Бун-дан ташқари, мазкур кўчада яшовчи бош-қа фуқаролар ҳам ноқонуний қурилишлар қилиб йўлни торайтириб юборган.

Архитектура ва қурилиш бўлими хо-димлари ҳам, маҳалла раиси ҳам, депу-тат ҳам Норпўлат Ҳамраев ва унинг оила аъзолари билан мазкур масалада бир неча мартаба гаплашиб, ноқонуний қу-рилишларни бузиб ташлаб, йўлни очишни сўрайди.

Бир пайтлар туман йўл қурилиш пуд-рат таъмирлаш корхонасини бошқарган Норпўлат Ҳамраев эса йўлнинг бош ре-жасини кўрсатишни талаб қилади. Та-бийки, у 1990 йилларда қурилган ушбу уйларда бош режа йўқлигини яхши би-лар эди.

2017 йил 63 кунлари. Тун. Соат тахминан 02:40 атрофида мазкур кўчада яшовчи Милоҳат Абдурахмо-нованинг хонадонига ёнгин содир бўлади. Қўни-қўшнилар ярим тун бў-лишига қарамадан дарҳол ёрдамга шошилди. Зудлик билан ёнгин хавф-сизлиги бўлимига кўнғироқ қилинди. Тезкорликда етиб келган ўт ўчирув-чилар эса кўча берк бўлгани сабабли ёнгин ўчоғига етиб боришолмади. Олов қийинчилик билан бартараф этилди, хонадоннинг катта қисми та-лафот кўрди.

Яхши инсонларнинг кўмаги, туман ҳо-кимининг ташаббуси билан бева аёл, уч фарзанднинг онаси Милоҳат Абдурахмо-нованинг уйи қайта қурилди.

Норпўлат Ҳамраев эса қўшнилари-нинг талабини қаноатлантириш, йўлни очиб бериш ўрнига ҳали-ҳануз ўз билганидан қолгани йўқ.

Туман ҳокими ўринбосари билан мазкур масалада бундан уч ой аввал гаплашган эдик. У киши ушбу ҳолат суд-га оширилгани ва тез кунда ечимини топишини айтган эди. Аммо амалий иш-нинг боши кўринмаётган.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бир пайтлар ўзи йўл қурилиш корхонасига раҳбар бўл-ган Норпўлат Ҳамраев кўчани обод қилиб, қўни-қўшнилар ўртасида обрў-эътибор орттириш ўрнига, йўлни тўсиб, қўшнилари билан ёвллашиб юрибди.

Тумандаги биринчи сектор раҳбарига қарашли ушбу муаммо, ўйлаймизки, тез кунларда ижобий ҳал этилади.

Илҳом САТТОРОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲОКИМ  
ЖУРНАЛИСТГА  
УЙ СОВҒА ҚИЛДИ

Бундан бир йилча аввал «Тошкент ҳақиқа-ти» газетасининг масъул котиби вазифа-сида ишлаб юрган Бехзод Қобулов номзоди муҳаррирликка тавсия этилган эди. У ўтган қисқа фурсатда «Охангарон ҳаёти» газетаси-га янги руҳ ва мазмун олиб кирди. Қўтарган долзарб мавзуларни, ҳудуддаги муаммоларни ҳаспўшламасдан, таҳлилий-танқидий мақо-лаларни ёритиб бориши, аввало газетхон-лар, қолаверса, ҳудуд раҳбарларини ҳам мамнун этди.

Ҳозир газета ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқишда тегишли мутасадди идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ечимини то-пишда маҳаллий ҳокимликнинг кўмакдошига айланди.

Президентимиз 2017 йилнинг 3 августда мамлакатимиз ижодкор зйиллари вакиллари билан ўтказган тарихий учрашувда адабиёт ва санъат, маданият соҳалари билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ри-вожлантириш борасида қимматли фикрларини билдирган эди.

Кўп ўтмай, давлатимиз раҳбари «Ўзбекис-тон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолият-ини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорга имзо чекди.

Қарорда, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолиятини кенг қўллаб-қувват-лаш, журналистларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, эҳтиёжманд ва фаол журна-листларни уй-жой ёки ер участкалари билан таъминлашни тизимли йўлга қўйиш ҳақида сўз боради.

Охангарон шаҳар ҳокимининг қарори билан уй-жойга эҳтиёжманд журналистга уй берилгани гоят ибратли ташаббус, деб ўйлаймиз.

Нуруллоҳ ДОСТОН,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

# АБДУМАЛИК — МАРД ЎҒЛОН!



Суратда: «Мард ўғлон» Давлат мукофоти соҳиби, шохмат бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони, қатор халқаро турнирлар ғолиби Абдумалик Абдусалимов онаси Зебохон Шавриқова билан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Абдумалик Абдусалимов «Мард ўғлон» Давлат мукофоти билан тақдирлангани тўғрисидаги хушхабар Қашқадарё воҳаси бўйлаб бир зумда ёйилди ва Яккабоғ туманидаги «Оқтош» маҳалласига етиб келди.

— Мактабимизнинг 9-синф ўқувчиси Абдумаликнинг муваффақиятлари барчамизни гурулантиради, — дейди Яккабоғ шаҳридаги 75-мактаб директори Феруза Сатторова. — Абдумаликнинг дарсларни яхши ўзлаштириб, шохмат борасида ҳам жаҳоншумул ютуқларга эришяпти. Бундай истеъдодли ўқувчи ўнаб тенгдошларини ўз изидан эргаштиради.

Оқтош маҳалласига борганимизда, кўрам дарвозали уйни кўрсатишди. Оила бошлиғи Баҳодир Шавриқов илқ кутиб олди ва ҳовлига бошлаб кирди.

— Ўзим иқтисодчиман, анча йил ҳокимиятда ва бошқа ташкилотларда меҳнат қилдим. 2011 йил 10 гектар ер олиб, фермер ҳўжалиғи туздик, бари сара мева, дарахтлар ҳосилга кирган. Икки ўғил, бир қизимиз бор. Фарзандларим аввало меҳнатнинг қадрига етсин, дейман.

Оила бекаси Зебохон Шавриқова ва шохмат бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати қатнашчиси, Осиё чемпиони Абдумалик Абдусалимов билан анча суҳбатлашдик. Очиги, Абдумалик сўрў, тафаккури юксак, камгап ўсмир экан. Қатор-қатор медаллар ва мукофотларни бизга онаси кўрсатди.

— Ўғлим Абдумаликнинг ёшлигидан шохматга меҳр кўйди, — дейди онаси Зебохон. — Биринчи устози онаси бўлган. Болаларимизга ўқишлари ва ўз қобилиятларини юзага чиқариш учун шароит яратиб беришга ҳаракат қилаёلمиз. Опаси Бахтинур коллежни бу йил тугатди ва

кељақда хорижий тиллар бўйича ўқитувчи бўлмоқчи. Укаси Нурсултон 7-синфда ўқийди ва спортнинг дзюдо тури билан шўғулланади. Устозларидан бири Абдураҳмон Нодиржонов.

— У киши шохмат сирларини ўргатиш баробарида, чет элларда мусобақаларда қатнашиб, Ватан шайини кўтариш ҳақида кўп гапирдилар, — дейди Абдумалик. — Кейин Тошкентдаги шохмат академиясида таҳсил олдим. Академиядаги мураббийим — Бобур Сатторов. Бу ерда мураккаб шохмат масалаларини ечишни ва ғалабага интилишни ўргандим. Устозларимдан миннатдорман...

Бошда Абдумаликнинг серфикр ва камгапчилиғини сезгандим. У муваффақиятлари ҳақида ийманиб гапирарди. Аслида 16 ёшигача яхши ютуқларни кўлга киритди. Беш карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2015 йилда Греция давлатида ўтган болалар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, дунёнинг 20 энг умидли ёш шохматчилари сафидан ўрин олди. Айниқса, бу йил апрель ойида Таиландда ўсмирлар ўртасида ўтган Осиё чемпионати унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди.

— Чемпионатда кучли ёш шохматчилар қатнашди, — дея оҳиста ҳикоя қилади Абдумалик. — Энг кучли рақибим ҳиндистонлик тенгдошим — Ковстав Чаттерфел бўлди. Аммо устозларим берган сабоқ, ўқи-ўрганларим бежиз кетмади, ғалаба қозондим.

Мени «Мард ўғлон» Давлат мукофотиға лойиқ кўрғани учун Президентимиздан чексиз миннатдорман. Кељақда юртимизни дунёга танитишга ҳисса қўшиб, ўз шохмат мактабимни яратишни орзу қиламан. Тўғриси, орзуларим бир дунё...

Юнус УЗОҚОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетасининг илк сони чиққанига 100 йил тўлиши муносабати билан Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар шохмат мактабида журналист ва ёзувчилар, адабиётшунослар ўртасида турнир ўтказилди. Етти турдан иборат баҳсларда иштирокчилар гроссмейстерлар ўйнайдиган шохмат тахтасида белгиланган халқаро меъёрларга бўйсуниб дона сурди. Халқаро тоифадаги ҳакам Маматқул Ҳайлаев баҳсларни назорат қилиб борди.



## ГРОССМЕЙСТЕРЛАР ШОҲМОТ ТАХТАСИДА

ижодкорлар дона суришди



Носиржон ТОШМАТОВ



Шоҳайдар МИРҲАБИЙОВ



Рашид Галиев

«Муштум» журнали бош муҳаррири Носиржон Тошматов 6 очко жағғариб турнир ғолиби бўлди. У «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан ташкил этилган соғва — 4 миллион 800 минг сўмлик планшети билан тақдирланди. «Ўзбекистон овози»да узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийси Шоҳайдар Мирзабобов иккинчи ўринни эгаллади. Унга «Arte» телевизори топширилди. Учинчи ўрин соҳиби — «Правда востока» газетаси фотомухбири Рашид Галиев қимматбаҳо соғва билан мукофотланди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам иштирокчиларга соғвалар топширилди.

Носиржон ТОШМАТОВ,  
«Муштум» журнали бош муҳаррири,  
мусобақа ғолиби:

— Ғолиб бўлганимдан жуда хурсандман. Бундай тадбирлар ижодкорларни,

журналистларни жипслаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, журналистларимиз кўпроқ шохмат ўйнаб турса, бу уларнинг ижодий ишлариға ҳам фойдали бўлади. Чунки, шохмат инсонни эркин ва изчил фикрлашға ўргатади, таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради, стратегик мулоҳаза қилишға одатлантиради, хотирани мустаҳкамлайди. Ўйин вақтида шохмат тахтаси устида содир бўладиган воқеаларнинг ҳеч бири тасодиф эмас. Ғалаба таваккал дона сурганга эмас, балки аниқ мақсад билан тўғри йўл топиб юриш қилган кишиға nasib этиди.

Шоҳайдар МИРҲАБИЙОВ,  
меҳнат фахрийси, иккинчи ўрин соҳиби:

— Барча даврларда ҳам истеъдодли одамларнинг аксарияти шохмат ўйнаган. Шохматни жуда катта тарбиячи, деб ҳисоблайман. Шохмат, биринчи навбатда, инсон-

даги курашчанлик ва ғалабаға ишонч руҳини тарбиялайди. Ундан кейин шохматда хато кечирилмайди. Ғалабаға етдим, деб турганимда ҳам озиғна эҳтиётсизлик мағлубиятға олиб келади. Бугун шохматни яхши кўрган касбдошларим даврасига кирганимда бутун ташвишларимни унутдим...

Турнир сўнггида шохмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида жаҳон чемпиони Исроилбек Синдоров журналистлар билан сеанс ўтказди.

Шаҳбоз САИДОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тахририятдан: Турнирни ўтказишда бизни кўллаб-қувватлаган «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки раҳбариятиға катта миннатдорлик билдирамиз.

### РЕКЛАМА

#### КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича  
танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

| № | Объект номи ва жойлашган манзили                                                                                                                                                                                 | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------|-------------------------------------|-----------------|
| 1 | Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 93-уйдаги Самарқанд давлат чет тиллар институти талабалар турар жойини мукамал таъмирлаш                                                                                    | 13 481 767 006 сўм               | 16 178 120 407 сўм                  | 6 ой            |
| 2 | Самарқанд шаҳар Университет хиббони 15-уйда Самарқанд давлат университети чет эл талабалари учун 200 ўринли турар жой қурилиши                                                                                   | 11 031 079 618 сўм               | 13 237 295 541 сўм                  | 6 ой            |
| 3 | Самарқанд давлат университетининг 9 қаватли ўқув блокни реконструкция қилиш ва буюк хитой файласуфи Конфуцийға ёдгорлик ўрнатиш ва Самарқанд шаҳар Университет хиббони 15-уйға тегишли ҳудудларни ободонлаштириш | 4 826 263 454 сўм                | 5 791 516 415 сўм                   | 6 ой            |

Объектлар қурилиши Таълим, тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жағғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

| № | Объект номи ва жойлашган манзили                                                      | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------|-------------------------------------|-----------------|
| 1 | Самарқанд вилояти, Ургант туманида ногирон аёллар учун интернат Мурувват уйи қурилиши | 27 779 989 368 сўм               | 33 335 987 242 сўм                  | 6 ой            |

Объект қурилиши Республика бюджетли маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиғи Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг Маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилоят ҳокимлиғи Инжиниринг компанияси.

Жойлашган манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, 1-уй, телефон: (0366) 231-10-93.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг мавжудлиғи ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришға банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш

базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиғи, танловға қўйилган объектға ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаға, кўникмаларға эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатға эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларға қуйидаги нарх преференциялар эътиборға олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобға олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг Марказига қуйидаги манзилға мурожаат қилишлари мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. тел. (0366) 231-13-51, факс. (0366) 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 180 000 (Бир юз саксон минг) сўм.

Тақлифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишининг охириг муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Тақлифлар (офёрталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 14 кундан кейин, қуйидаги манзилда Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонидан соат 16:00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиғи Инжиниринг компанияси биносида ўтказилади.

## ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.

▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.

▶ Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.

▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.

▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.

▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.

▶ Полуприцепы: бензовоз, самосальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

«Агробанк» АТБ жамоаси банк ходими Алишер Алимардановға падари бузруквори Абдиҳамид отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Баш муҳаррир: Сафар ОСТОНОВ

### ТАХРИР НАҲАҲАТИ:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.  
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738. 6971 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220.  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 00:20.  
Topshirilgan vaqti — 02:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Bardambek SA'DULLAYEV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6